

Мўмин дўст-яқинларини ташлаб қўймайди

05:00 / 02.03.2017 3644

Абдуллоҳ ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва салом) бундай дедилар: "Мусулмон мусулмоннинг биродари, унга зулм қилмайди, уни ҳалокатга ташламайди. Ким биродарининг ҳожатини чиқарса, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилади. Ким мусулмоннинг бир ғамини аритса, Аллоҳ таоло уни қиёмат кундаги ғамларнинг биридан халос этади. Ким бир мусулмоннинг айбини ёпса, Аллоҳ таоло унинг айбини ёпади» (Имом Бухорий ривояти).

"Зулм қилмайди" деган жумла хабар бўлса ҳам, амр маъносидадир. Яъни, зулм қилманг, дегани. Чунки зулм ҳаром. Мўмин дўст-яқинини ташлаб қўймай, унга кўмаклашади, ундан ҳолини сўраб, муаммоларини ҳал қилишда маслаҳат беради.

Шунингдек, мўмин дўсти ёки диндошининг хато ё қинғир иш қилаётганини кўрса, тўғрилаб қўяди, хатоларини тузатишда ёрдамлашади. Агар насиҳатлар фойда бермаса, яхши ниятда бошқаларга билдириб, биргаликда ҳал қилади.

Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Биродаринг золим бўлса ҳам, зулм кўрган бўлса ҳам ёрдам бер", дедилар. Саҳобалар сўрашди: "Эй Аллоҳнинг расули, зулм кўрган кишига-ку, ёрдам берамиз, аммо золимга қандай ёрдам берайлик?" Шунда у зот: "Ёмон йўлдан тўхтатсанг, ўша ёрдам бўлади", дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳ таоло огоҳлантиради: "...Албатта, золимлар учун (охиратда) аламли азоб бордир" (Иброҳим, 22).

Имом Байҳақий: "Золим аслида зулми билан ўзига жабр қилган бўлади", деган. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Муоз ибн Жабални (розийаллоҳу анҳу) Яманга жўнатаётиб, бундай деганлар: "Мазлумнинг ёмон дуосидан сақлан. Чунки унинг дуоси билан Аллоҳ таоло ўртасида парда йўқдир".

Золимни моли касодга учраган кишига ўхшатишган. Яъни, дунёда одамларни ҳақоратлаган, тухмат ва фириб, хиёнат йўллари билан киши молини еган, ноҳақ қон тўккан ёки бошқа йўллар билан ўзгага зарар

етказган кимсалар ўзлари ибодат, савобли ишлар қилиб юрган бўлса-да, амалларининг савоби ҳақ билан ноҳақ ажратиладиган қиёмат кунида мазлумларга олиб берилади.

Қуръони каримда: "Аллоҳ ёмонликни сўз билан ошкора айтишни суймайди. Зулм қилинган (жабрланган) киши бундан мустасно. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир" (Нисо, 148), дея марҳамат қилинган.

Ҳақорат қилган кишига муносиб жавоб қайтариш жоиз. Аммо кечирिश фазилат ҳисобланади. Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу): "Ёмонликни сўз билан айтиш"дан мурод дуодир", деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Абдулвоҳид НУРУЛЛОҲ ўғли тайёрлади